


Ўқув йили маълумотларини бошқариш

Ўқув йилини яратиш

Ўқув жараёни ўқув йили асосида ташкил этилади. Шу сабабли биринчи ўринда ўқув йилини яратиш талаб этилади. Ўқув йилини яратиш **О'quv/Jarayoni** менюси орқали амалга оширилди (1-расм).




The screenshot shows the HEMIS OTM system interface. The sidebar on the left contains navigation options: Xodimlar, Talaba harakati, Fanlar bazasi, O'quv jarayoni, O'quv yili, Baholash tizimi, Baho turlari, Qaydnomalar turi, and Jufliklar. The main area displays a form for creating a new academic year. The form includes a search bar for 'Nom bo'yicha qidirish', a table with columns 'Nomi*', 'Kod', 'Joriy holat', 'O'zgartirilgan', and 'Faol', and a right-hand panel with dropdown menus for 'O'quv yili' and 'Semestr turi', and a checkbox for 'Joriy holat'. A 'Saqlash' button is located at the bottom right of the form.

1-расм. Ўқув йилини яратиш

Ўқув йили маълумотларини қуйидагича шаклантиринг:

- **О'quv yilini** майдонидан ўқув йилини танланг;
- **Semestr turi** майдонидан семестрни танланг, масалан кузгу семестр (ўқув йили қайси семестрдан бошланса ўша танланади);
- **Joriy holat** катакчасига белги қўйинг, бу муҳим, чунки жорий ҳолат ўқув жараёни олиб бориладиган йил учун ҳисобга олинади. Ўқув йили тугаса, ўқув йиллари рўйхатидан ўқув йили танланади ва жорий ҳолатдан белгини олиб ташлаб қайта сақланади;

Ўқув йили тегишли маълумотлар шаклантирилгандан сўнг **Saqlash** тугмаси босилади ва натижада ўқув йили рўйхатида яратилган ўқув йили пайдо бўлади (2-расм).



The screenshot shows the HEMIS OTM system interface after the academic year has been created. The sidebar is the same as in the previous screenshot. The main area displays a table with one row of data. The table has columns 'Nomi*', 'Kod', 'Joriy holat', 'O'zgartirilgan', and 'Faol'. The 'Saqlash' button is now 'Bekor'. The right-hand panel shows the 'O'quv yili' dropdown menu set to '2021 (2021-2022)', the 'Semestr turi' dropdown menu set to 'Kuzgi semestr', and the 'Joriy holat' checkbox checked. There are also 'Bekor', 'O'chirish', and 'Saqlash' buttons at the bottom of the right-hand panel.

2-расм. Ўқув йилини яратиш ойнаси

Ўқув йилини тахрирлаш

Ўқув йилини тахрирлаш учун ўқув йили рўйхатидан тегишли ўқув йили номига сичқонча билан босилади ва натижада ўқув йилининг маълумотлари тахрирлаш майдонларига юкланади (2-расм).

Ўқув йилини таҳрирлаш ойнасидан бирор бир таҳрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали ўқув йили маълумотларини сақланг.

Ўқув йилини ўчириш

Яратилган ўқув йили маълумотларини ўчириш учун ўқув йили рўйхатидан тегишли ўқув йили номига сичқонча билан босилади ва таҳрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади (2-расм).

Эслатма. Агар тизимда ўқув йилига боғланган маълумотлар шаклланган бўлса у ҳолда тизим ўқув йилини ўчиришга рухсат бермайди. Бундай ҳолларда ўқув йилини ўчириш учун дастлаб унга боғланган маълумотларни ўчириш зарур.